

**Махсулот етказиб бериш бўйича
ХИСОБ ШАРТНОМА №01**

Бука шахри
(шартнома тузилган жой)

14 январ 2022 й.
(шартнома тузилган сана)

Бундан буён «БҮЮРТМАЧИ» деб аталувчи Чирок Гулшан Хосимли номидан Низом асосида фаолият олиб борувчи Б. Аминбеков бир томондан ва бундан буён «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» деб аталувчи "BEST KREDIT KING" МЧЖ номидан Низом асосида фаолият олиб борувчи А.А.Ваккосов бошқа томондан ушбу шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартномага асосан «Буюртмачи» товарни қабул қилади ва тўлайди, Етказиб берувчи» эса куйидаги спецификацияга мувофиқ етказиб беради:

(спецификация)

№	Махсулот номи	Ул.бир	Миқдори	Нархи	Суммаси
1	Байрам тадбири харажатлари учун совгалар (Печ, фоторамка)	комп	1	13 350 000	13 350 000
	Жами:				13 350 000

1.2. Шартноманинг умумий суммаси: Ун уч миллион уч юз эллик минг сум. ККС билан.

2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

- 2.1. «Буюртмачи» мазкур шартномани Ҳазначилик бўлимида рўйхатга олинган кундан бошлаб 10 календар куни ичида қонунчиликка мувофиқ, шартнома умумий суммасидан 30% миқдорида олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни товарни тўлиқ олгандан сўнг 10 календар куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура асосида тўлайди.
- 2.2. «Етказиб берувчи» аванс маблағлари Етказиб берувчи»нинг тегишли ҳисобварағига келиб тушган вақтдан бошлаб 10 календар куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.
- 2.3. «Етказиб берувчи» тегишли ГОСТ га мувофиқ товарни етказиб бериши шарт.
- 2.4. «Буюртмачи» товарларни қабул қилишда «Етказиб берувчи» иштирокида олинаётган товарларнинг тўлиқлиги гини ва мазкур шартномада кўзда тутилган бошқа талабларга мувофиқлигини текшириши шарт.
- 2.5. Агар мазкур шартнома билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар «Етказиб берувчи» ҳисобидан амалга оширилади.
- 2.6. Етказиб берилган товар бевосита «Буюртмачи»нинг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг миқдори, унинг сифати кўрсатилади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 3.1. «Буюртмачи»нинг ҳуқуқлари:
 - «Етказиб берувчи»дан етказиб берилаётган тегишли товарларни амалдаги давлат стандартлари ва бошқа қонунчилик билан ўрнатилган мажбурий талабларга мос келишини талаб қилиш;
 - «Буюртмачи» ҳисобидан товарлар ташиб келтирилганда, «Етказиб берувчи»дан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур шартноманинг шартлариджа бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;
 - «Етказиб берувчи»дан жойлаштирилган буюртманомани кўра мазкур шартномага мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш;
- 3.2. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари:
 - мазкур шартномага мувофиқ ўзининг жойлаштирган буюртманомаси бўйича етказиб берилган товарларни қабул қилиш;
 - товарларнинг қийматини мазкур шартномада белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.
- 3.3. Етказиб берувчи» куйидаги ҳуқуқларга эга:
 - «Буюртмачи»дан олдиндан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун якуний ҳисоб-китобларни мазкур шартномада кўзда тутилган тартибда амалга оширишни талаб қилиш;
- 3.4. Етказиб берувчи»нинг мажбуриятлари:
 - «Буюртмачи»га товарларни мазкур шартномага мувофиқ белгиланган муддатда, миқдорда ва сифатда етказиб бериш;
 - агар товарларни етказиб бериш жараёнида «Етказиб берувчи» шартнома шартлари ва меъёрлардан ва/ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан четга чиқишга йўқ қўйган ҳолларда «Буюртмачи»нинг талаби бўйича 10 кун муддат ичида барча аниқланган камчиликларни беғараз бартараф этиш.
- 3.5. Мазкур шартнома белгиланган тартибда мазкур шартнома шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.
- 3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда шартнома бажарилган ҳисобланади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

- 4.1. «Буюртмачи» товарларни танлаб олмаслик, шунингдек Етказиб берувчи» шартномада белгиланган муддатда уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи Етказиб берувчи»га танлаб олинмаган товарлар қийматининг 5 % миқдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса 10 % миқдорида жарима тўлайди.
- 4.2. Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун «Буюртмачи» Етказиб берувчи»га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.3. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, товар Етказиб берувчи «Буюртмачи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар хўжалик судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги хўжалик судида кўриб чиқилади.

6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларига томонларнинг иродаси ва фаолиятига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва қутилмаган ҳолатлар қиради.

6.3. Шартномага асосан мажбуриятларни ижро қилиш муддати ушбу енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар давом этиш муддатига қадар узайтирилади. Агар енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) таъсири 60 кундан ортиқроқ давом қилса, томонлар ташаббусига биноан шартнома бекор қилиниши мумкин.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Томонлар мазкур контрактка, шартнома нархи камайганда, шунингдек томонларнинг манзили ва/ёки банк реквизитлари ўзгарганда қўшимча келишув асосида ўзгартириш ва қўшимчалар киритишлари мумкин.

7.2. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома Ҳазначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга қиради ва 2022 йил 31 декабригача амал қилади.

8.2. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни мажбуриятни бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилмайди.

9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ.

«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»

"BEST KREDIT KING" МЧЖ

Бука ш.А.Навоий кучаси

Х/Р 20208000505153913001

АТ Халкбанки Бука филиали

МФО:00782, ИНН: 306950475

ОКОНХ



Раҳбар (директор):
М.Ҳ.

А.А.Вакосов

«БУЮРТМАЧИ»

Ташкилот номи:

Ҳисоб тушман доконтинент

Манзил:

Ҳисоб т. Ш. Рашидов 12

Телефон:

70-59-31-200

Ш/ХВ:

10000228602 72567011503018001

СТИР: 200454632 ОКОНХ: 98600

Ҳазначилик номи: Молия вазирлиги Ҳазначилиги

ЯҲҲ 23402000300100001010

Тошкент ш Марказий Банк ББ ХККМ

Ҳазначилик бўлинмаси ИНН: 201122919 МФО:

00014

Раҳбар (директор):

З.А.Имбирова

М.Ҳ.

(имзо)

(Ф.И.О)

Юрист: М. Бақиев

« Анвар » 2022 йил,



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"BEST KREDIT KING" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"BEST KREDIT KING" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

17.12.2019

791659

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

306950475

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Toshkent viloyati, Chinoz tumani, Chinoz, Xamza MFY Sh.Rashidov
ko'chasi .

Guvohnoma:

Toshkent viloyati, Chinoz tumani, DAVLAT XIZMATLARI tomonidan
MARKAZI berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):





TOSHKENT VILOYATI CHINOZ TUMANI HOKIMI F A R M O Y I S H I

2022 - yil 12 - yanvar

8-10-144-F/22

Chinoz tuman hokimligi

Mablag' ajratish to'g'risida

O'zbekiston Respublikasi "Byudjet kodeksi"ga, tuman hokimining o'rinbosari N.Qoraboeva bildirgisini inobatga olib,

1. Tuman mahalliy byudjetining zahira jamg'armasi hisobidan tuman hokimligiga bayram tadbiri xarajatlari uchun 18000.0 (o'n sakkiz million) ming so'm hamda sovg'alar harid qilish uchun 13400.0 (o'n uch million to'rt yuz) ming so'm, jami 31400,0 (o'ttiz bir million to'rt yuz) ming so'm mablag' ajratilsin.


2. Tuman hokimligi Moliya bo'limi (M.Abdullaev) belgilangan tartibda DMBAT dasturiy majmuasiga tegishli o'zgartirishlarni kiritishni ta'minlasin.

3. Tuman G'aznachilik bo'linmasi (B.Salmatov) ajratilgan mablag'larni belgilangan tartibda o'tkazilishini ta'minlasin.

4. Tuman hokimligining bosh xisobchisi (G.Sidikova) ajratilgan mablag'larni maqsadli sarflanishini ta'minlasin.

5. Ushbu farmoyish ijrosini nazorat qilishni o'z zimmasida qoldiraman.

Tuman hokimi v.v.b



U.Yuldashev